АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

# ИНСОН ва ҚОНУН

2002 йил 27 АВГУСТ сешанба
№ 34 (290)
Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

## ОЗОДЛИК ДУНЁДА ЭНГ УЛУҒ НЕЪМАТ

Она Ўзбекистонимиз мустақиллигига 11 йил тўлди.

Эҳтимол, бу сана кекса тарих олдида киприк қоққулик фурсатга тенг эмасдир. Аммо ортда қолган ана шу қисқа давр замирида асрларга тенг воқеалар силсиласи, яъни бутун бир халқнинг Озодликка эришиши, не-не машаққат, қийинчилик ва синовларни мардонавор енгиб ўтиб, оёққа туриб олиши, танлаган йўлидан собит қадам ила дадил одимлаши ва ниҳоят, дунёнинг тараққий этган давлатлари томонидан нафақат эътироф этилиши, балки уларнинг том маънодаги ҳамкорига айланиши сингари улкан ҳодисалар мужассам эканлигини баъзан киши тасаввурига сиғдиролмай қолади.

Албатта, бу ҳақда фикр юритганда, дунёдаги саноқли давлатлар ўз мустақиллигининг дастлабки палласида, бунинг устига ниҳоятда қисқа давр ичида ана шундай юксак тараққиёт йўлини босиб ўтганига амин бўлади киши.

Истиқлолнинг дастлабки кунларида Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида танланган тараққиёт йўли, узоқни кўра билиш, халқимизга хос донишмандлик ва вазминлик ана шундай муваффақиятларнинг юзага келишига мустаҳкам асос бўлди.

Энг муҳими, истиқлолнинг дастлабки палласида танланган ўзига мос ва ўзига хос тараққиёт йўлининг энг мақбул ва тўғри йўл эканлиги ўтган ўн бир йил ичида нафақат ўз исботини топди, балки дунё ҳамжамияти томонидан "Ўзбек модели" дея эътироф этилди.

Бу — бугун кўз ўнгимизда она Ўзбекистонимиз тимсолида қад ростлаган ҳақиқатдир. Ва ана шу ҳақиқат замирида халқимизнинг яратувчилик ва бунёдкорлик салоҳияти, ғуруру ифтихори, шаън-шавкати мужассам.

Бугун она Ватанимизнинг муаззам бўй-бастига ҳамма ҳавас билан қарамоқда. Яқинда қўшни республикадан келган Яхшилик исмли йигит суҳбат орасида шундай деб қолди:

— Чегарадан ўтиб, юртингиз тупроғига қадам босган киши янгилик нафасини туяди, беқиёс ўзгаришларни кўриб, кўзи қувонади. Ҳар қадамда бир янгилик, ўзгариш. Бирбиридан замонавий корхоналар қурилмоқда, завод-фабрикалар бунёд этилмоқда. Буларнинг бари ана шу юртнинг эртанги куни учун мустаҳкам пойдевор бўлади. Биз ҳам сизлар каби мустақилликка чиққан халқмиз. Лекин бугун мамлакатимизда милисахона билан ароқ заводдан бўлак биронта завод-фабрика ишламайди. Шундай бир вазиятда "демократия, демократия" дея дунёга жар солишдан кимга фойда? Сира ақлим етмайди. Ўзбекистоннинг танлаган йўли чинакам тараққиёт йўлидир. Одамнинг қадр-қиммати улуғланган, меҳнати қадр топган юртнинг эртаси ёруғ бўлади. Бу ҳақиқатни сизнинг юртингиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам биз Ўзбекистонни ўзимизга тоғдек суянчиқ деб биламиз.

Бундай самимий эътирофларни бугун кўплаб эшитиш мумкин. Зеро, истиқлол халқимизнинг табиатини ўзгартирди, боболардан мерос қолган ана шу табаррук заминда одамдай яшаш, меҳнат қилиш ва келажакка катта ишонч билан қараш имконини берди. Ўз юртида инсондай яшаган одамнинг эртаси умидли бўлади. Эртанги кунга ишонч билан қараган одам бунёдкорлик салоҳияти билан мўъжизалар яратади. Ўз юртига эгалик ҳисси инсонни яшашга рағбатлантиради, унинг ижодкорлигини ҳаракатга келтиради.

Энг муҳими, руҳи озод инсон ўзи яшаётган жамият билан бирга бутун башарият ҳаётига дахлдорлик ҳисси билан яшайди.

Албатта, истиқлолга осонлик билан эришганимиз йўқ. У сонсиз қурбонлар, кўп йўқотишлар эвазига қўлга киритилди. Бу эса бизни доруломон кунларнинг қадрига етишга ундайди.

Зеро, аждодлар хотирасини эъзозлаган, тарихини унутмаган ва келажак йўлини аниқ танлаб олган халқнинг пешонаси ёруғ бўлади.

Она Ватанимиз мустақиллиги бизга ана шундай бахтни ато этди.

**ТАҲРИРИЯТ**



## ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, МУҲТАРАМ ВАТАНДОШЛАР!

***Агарки, мендан: «Сизнинг раҳбарлик фаолиятингиз йилларида қилган энг муҳим, энг буюк ишларингиз нималар бўлди?» — деб сўралса, мен шундай жавоб берар эдим:***

***«Мана шу Ўзбекистон дейилган муқаддас заминда яшаётган инсонларни қадрладим, ардоқладим.***

***Ўзбек, ўзбек миллати, ўзбек халқи номини улуғладим, бутун дунёда унинг ҳурматини жойига қўйдим. Бу менинг ҳаётим маъноси, умрим мазмунига айланиб қолган».***

**Ислом КАРИМОВ**














*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 август куни Оқсаройда АҚШ қуролли кучлари Марказий бош қўмондони Томми Фрэнксни қабул қилди.*

* * *

*Шу куни Президент Ислом Каримов АҚШ конгресси Вакиллар палатаси Бюджет бўйича қўмитаси раисининг ўринбосари Питер Хокстра раҳбарлигидаги бир гуруҳ конгрессменларни қабул қилди.*

* * *

*Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашдаги ғоят катта хизматлари учун бир гуруҳ юртдошларимизга "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонини бериш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.*

* * *

*Ўзбекистон фани ва маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум фан ва санъат арбобларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.*

* * *

*Тошкент Ислом университетида оммавий ахборот воситаларида диний мавзуларнинг ёритилишига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.*

* * *

*Ўзбек Миллий академик драма театрида "Аёлларга эҳтиром" мавзусида тантанали кеча ўтказилди.*

* * *

*Миллий матбуот марказида "Энг улуғ, энг азиз" мавзуидаги танлов ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган кеч бўлиб ўтди.*

* * *

*Термиз археология музейи Париждаги халқаро музейлар кенгашига аъзоликка қабул қилинди.*

* * *

*Пойтахтимиздаги "Халқлар дўстлиги" саройида "Ниҳол" мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.*

Surur

## КЕЛАЖАК БУНЁД ЭТИЛМОҚДА



Ҳожиакбар РАҲМОНҚУЛОВ, академик

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларида тенгсиз ўзгаришлар рўй берди, ички ва ташқи сиёсат барқарорлашди, давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг демократик тизими шаклланди. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари ваколатларини Конституцияга мувофиқ тақсимлаш тамойили изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда суд ва ҳуқуқ-тартибот тизимларини ислоҳ қилиш ва бу борада либераллаштириш тамойилларига амал қилинмоқда.

Мустақил давлатимизда биринчи марта Конституцияси асосида ҳуқуқий-демократик жамият асослари шакллантирилиб, кўппартиявийлик, ғоялар ва фикрлар хилма-хиллигига кенг йўл очилди.

Шунингдек, маҳаллий кенгашлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари жамиятда осойишталик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистонни дунёдаги барча нуфузли давлатлар тан олди ва улар билан тенг ҳуқуқли дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, иқтисодий соҳада бозор муносабатлари босқичма-босқич шаклланиб бориш давомида бундай туб ўзгаришлар замирида мулк ва унга бўлган муносабатлар ҳам ўз-ўзидан ижобий тус олмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Конституциямизнинг бир йиллигига бағишланган тантанада сўзлаган маърузасида Асосий Қонунимизнинг моҳияти ва аҳамиятига баҳо бериб шундай таъкидлаган эди: ***Сир эмас, ҳар қандай жамият келажакни кўзлаб яшайди ва унинг пойдеворини имкон қадар мустаҳкамроқ қилишга ҳаракат қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, давлатимиз, жамиятимиз эришган буюк ютуқ – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўлади.***

Конституциямиз Асосий Қонун сифатида мамлакатимизда қонунчилик фаолиятини ривожлантириш ва бу соҳада эркин ижод қилишга имконият яратиб берди. Мазкур Конституция ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги муносабатларни ҳал қилиб берувчи бошқа барча қонунларнинг, шу жумладан, махсус қонунлар тизимини ташкил этувчи кодексларнинг юридик манбаи, пойдевори ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ, янги қонунлар тизими яратила бошланди.

Энг аввало, мустақил Республикамиз мустақил қонун чиқариш имкониятига эга бўлиб, қонунчилик соҳасида жиддий ютуқларини қўлга киритди. Шўро замонида "марказда" қабул қилинган қонунлар мамлакатимизда ҳеч қандай ўзгаришсиз жорий қилинарди. Энг ёмони, илгари қабул қилинган қонунларда аҳолининг ҳаёт тарзи, миллий урф-одатлари ва анъаналарига назар-писанд қилинмас, маҳаллий қонунчилик ташаббусини чеклар, мустақил қонунчилик фаолиятини амалга оширишга мутлақо йўл қўйилмасди.

Мустақилликка эришгач, биз ижодий имкониятларимизни сафарбар этиб, тарихий анъаналаримиз, турмуш тарзимиз, одамлар ҳаётининг амалдаги шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда давлатимизнинг қонунларини мустақил ишлаб чиқиш имкониятига эришдик.

Қонун – ижроси билан, деган ибора бежиз айтилмаган. Демак, қонун ижро этиш учун қабул қилинади, яъни ижро этилмайдиган қонун қонун эмас. Агар қонун ижро этилмаса, жамиятда умумий тартибсизликни келтириб чиқаради, давлат қонунда кўзда тутилган мақсадларга эриша олмайди.

Бинобарин, қабул қилинган қонунларимизда халқимизнинг хоҳиш-иродаси, миллий ўзига хослиги ўз ифодасини топганини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Шундай экан, қонунларнинг бажарилиши ва истисносиз аниқ амалга оширилиши ҳамма ташкилотлар, идоралар, мансабдор шахслар ва фуқаролар олдида турган бирдан-бир бурч ва вазифадан иборат дейиш мумкин.

Шунга мувофиқ, мустақилликдан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошида Омбудсман, яъни инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллик таъсис этилгани, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ташкил этилиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Қонунийлик, ҳуқуқий устуворлик ҳуқуқий маърифатга бевосита боғлиқ. Фуқароларнинг ҳуқуқий билимлари, тушунчаси, ҳуқуқий онги ва маданияти юксак даражада бўлган жамиятда қонунийлик таъминланган бўлиши муқаррар. Бу борада ҳам мустақиллик йилларида улкан ишлар амалга оширилганига ҳар биримиз гувоҳмиз.

Президентимизнинг "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз" номли асарида ҳуқуқий маърифатнинг аҳамиятига эътибор қаратар экан, шундай деган эди: "Аҳолимиз, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастурини кенг кўламда амалга оширишга алоҳида эътибор бериш зарур, деб ўйлайман. Токи ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини билсин ва уни ҳимоя қила олсин".

Республикамиз Президентининг 1997 йил 25 июндаги "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрлар тарбиялаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"ги Фармонига кўра, бу борада олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканига далолатдир. 1997 йил 29 августда Олий Мажлис томонидан **"Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури"**нинг қабул қилиниши ҳам бу масаланинг қай даражада долзарблигини кўрсатади.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари бўйича халқаро доирага чиқар экан, ўз ташқи сиёсатини амалга оширишда Конституциямизнинг 17-моддасига мувофиқ халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қонунлари ва нормаларига асосланади. Ушбу қоидага асосан мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунлар халқаро миқёсда тан олинган халқаро ҳуқуқий меъёрларга мослаштирилди. Қонунларимизда халқаро шартномалар ва битимларнинг устуворлигига аҳамият берилаяпти. Масалан, Фуқаролик кодексининг 7-моддасига мувофиқ "Агар халқаро шартномада ёки битимда фуқаролик қонун ҳужжатларига қараганда бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ва битим қоидалари қўлланилади". Умуман, мамлкатимиз миллий қонунчилигини халқаро ҳуқуқий меъёрларга уйғунлаштириш жараёни тўхтовсиз давом этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг танланган ўзига хос ва ўзига мос иқтисодий тараққиёт йўли қанчалик тўғри экани ўтган қисқа давр ичида ҳаётда ўз исботини топди. Бу йўлга қатъий ишонган халқимиз ўз келажагини бунёд этмоқда.

Istiqlol mo`jizasi

## ТЕМИР КАРВОН САДОСИ

### КУНИ КЕЧА БИРИНЧИ ЙЎЛОВЧИ ПОЕЗД «НАВОИЙ-УЧҚУДУҚ-СУЛТОН УВАЙСТОҒ-НУКУС» ТЕМИР ЙЎЛИ ОРҚАЛИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МАРКАЗИГА КИРИБ БОРДИ



Темир йўлдан саноатлашаётган ҳаёт нафаси келиб туради. Одамзот эришган алоқа воситалари ичида темир йўл ўзининг оммабоплиги, самарадорлиги ва муҳим иш тартиби билан алоҳида ажралиб туради.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бунёд этилган "Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус" темир йўли Қизилқум саноат минтақаси ва Устюртдаги корхоналарни бир ипга маржондек тизиш, аҳоли ва халқ хўжалигига транспорт хизматини қулайлаштириш, умуман, бу ҳудудда янги имкониятлар уфқини очишга хизмат қилади.

Геродит милоддан аввал: "Улар темир ва кумушни ишлатмайдилар, чунки бундай металларнинг ўзи деярли учрамайди, лекин бу юртда олтин билан мис ниҳоятда кўп", деб ёзиб қолдирган.

Шўро тузуми даврида шундай ноёб маъданлар ҳақида эшитганмиз, лекин уларга бошқалар хўжайинлик қиларди. Истиқлолдан сўнг Ватанимизнинг ер ости, ер усти бойликлари ҳам ўз қўлимизга ўтди. Энди биз ўз тараққиётимиз нуқтаи назаридан ҳам бу бебаҳо маъданлар жойлашган ҳудудда алоҳида эътибор қарата бошладик. Минтақадаги қазилма бойликларни комплекс ўзлаштириш, ундан халқимизнинг турмуш фаровонлиги йўлида фойдаланиш бу ҳудудда темир йўл барпо этишни тақозо этарди.

Бир вақтлар ўлкамиздаги беҳисоб бойликларни ташиб кетишга хизмат қилган йўллар бугунги кун талаб ва мақсадларига жавоб бермас эди. Ўтган асрнинг элликинчи йилларида ишга туширилган Чоржўй-Қўнғирот темир йўли наинки бу минтақани, балки мамлакатимизни четлаб ўтарди.

Ўзбекистон тўғридан-тўғри Европага чиқиши учун ўз йўлига эга бўлиши лозим эди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб Президентимизнинг ташаббуси билан коммуникация тармоғига алоҳида эътибор қаратилди. Агар ёдингизда бўлса, давлатимиз раҳбари 1991 йилнинг октябр ойида Учқудуқ шаҳрига келган. Бу — бежиз эмас, албатта. Президент Қизилқум саноат минтақасини ривожлантиришга ҳамиша алоҳида эътибор қаратган. Юртбошимиз 1995 йили Қизилқумда, 3-кон металлургия заводининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашида бу заводнинг, бу саноат минтақасининг алоҳида ўрин тутишини таъкидлаб, мавжуд имкониятларни тўла рўёбга чиқариш учун йўлларнинг, яъни коммуникациянинг беқиёс тарихий аҳамият касб этишини таъкидлаган эди.

Шу маънода Президентимизнинг Қизилқум саноат минтақасини комплекс ривожлантириш "Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ -Нукус" темир йўли барпо этиш ғояси мамлакатимиз тараққиётида янги саҳифалар очмоқда. Фақатгина шу минтақага хос бўлган саноатлашиш жараёни янгича сифат ва кўлам касб этгани, чет эл сармоялари иштирокида янги-янги замонавий корхоналар ташкил топгани фикримизнинг далилидир. "Зарафшон- Ньюмонт" қўшма корхонаси, "Зариспарк", "Агама" ва Қизилқум фосфорит комбинати каби ўнлаб иншоонтлар шулар жумласидандир.

Воҳадаги бой минерал ресурслар ва қазилма бойликлардан халқимиз, Ватанимиз манфаатлари йўлида оқилона фойдаланиш, уларни мамлакатимиз иқтисодий қудратини ошириш мақсадида 1994 йилда янги темир йўл қурилишига киришилди, бу йўл Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси, умуман, мамлакатимизнинг барча минтақаларини олмос камардек ўзаро боғлар, Европа мамлакатларига кенг йўл очар эди.

Бу қурилишнинг энг машаққатли қисми темир йўлни Султон Увайстоғ тизмаларидан олиб ўтиш эди. Мана шу йўлни деб Ўғрисой тоғ этагига миллионлаб кубометр тупроқ ётқизилганини бугун поездларда ўтаётган йўловчилар хаёлларига ҳам келтиришмайди.

Йўл қуриш ниҳоятда масъулиятли иш. Чунки йўллар қурилишидаги ҳар қандай хато келажак авлоднинг олдидан чиқади, ҳатто у катта талофатларга сабаб бўлиши мумкин. Буни яхши англаган йўлсозлар ҳар бир ишни қиёмига етказиб бажаришди.

"Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус" темир йўли халқимизга нима беради?

Бу йўл мана шу ҳududнинг инфратузилмасини ривожлантириш билан бирга одамларни бир-бирига яқинлаштиради, иноқлаштиради. Айтайлик, учқудуқликлар энди Нукусдаги оғайнилариникига бориш учун қарийб 450 километр йўлни ва 6-7 соат вақтини тежайди. Ўз-ўзидан равшанки, масофа қанча қисқарса, йўл ҳаракати шунча камаяди.

Учқудуқ Қизилқум ўртасидаги шинам саноат шаҳри. У Навоий вилоят саноатида алоҳида ўрин тутади, маълумки, бу вилоят Ўзбекистоннинг саноат марказларидан биридир. Бу ердан чиқадиган кимё, металлургия, қурилиш маҳсулотлари Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистонга эндиликда ўз ҳудудимиздан ўтиб, қисқа вақт ичида етиб борадиган бўлади. Таққослаб кўриш мумкин: Туркманистон ҳудудидан ўтадиган ҳар бир вагон учун 259 минг сўм миқдорда бож пули тўланадиган бўлса, ҳар куни ўртача 500 вагон ўтганида ҳам, қанчадан-қанча чет эл валютаси тежалади. Бир йилда-чи?

Сўнгги пайтларда Хоразм ва Қорақалпоғистонда цементнинг нархи осмонга чиқиб кетди. Натижада қурилиш ишлари сусайиб қолди. Ахир, йўл харажатлари маҳсулот қийматининг устига қўйиладиган бўлгандан кейин илож қанча. Қишлоқ хўжалигидаги зарур ўғитлар билан қурилиш жиҳозлари тўғрисида шундай дейиш мумкин.

**(Давоми иккинчи бетда)**

**ЖАҲОН КЕНГ, ДУНЁДА МАМЛАКАТ КЎП, ЛЕКИН БУ ОЛАМДА БЕТАКРОР ОНА ЮРТИМИЗ, ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ ЯККАЮ ЯГОНА. БУ ГЎЗАЛ ЮРТ, БУ МУҚАДДАС ЗАМИН ФАҚАТ БИЗГА АТО ЭТИЛГАН. МАНА ШУ УЛУҒ ТУЙҒУ ҲАР БИРИМИЗНИНГ ДИЛИМИЗГА ЖО БЎЛИШИ, ҲАЁТИМИЗ МАЗМУНИГА АЙЛАНИШИ ЛОЗИМ.**

# ТЕМИР КАРВОН САДОСИ

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Авваллари Қизилқумни дутор созлари янгратган бўлса, энди унга янги бир куй қўшилмоқда. Бу куй мустақил халқимизнинг ўз қўллари билан яратиб, қумга худди дутор торлари каби тўшалган темир йўл садосидир. Бу йўлдан ўтган темир карвонлар сафи мамлакатимизнинг Европа билан иқтисодий алоқаларини кучайтиради. Шунингдек, халқимизнинг фаровонлигини ошириш имконини беришига шубҳа йўқ.

Учқудуқ-Нукус темир йўлининг аҳамияти тўғрисида етук мутахассис, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акционерлик жамияти бошқаруви раиси Равшан Зоҳидов шундай дейди:

— Юз йил муқаддам қурилган Чоржўй кўприги бугунги кунда эскирди. У поездлар оқимини тўла ўтказиш қобилиятига эга, деб айтиш қийин. Бундан буён Ўзбекистоннинг поездлари Нукус-Учқудуқ йўлидан қатнайди.

Темир йўлларни синаш учун Австриядан махсус синовчи вагон келтирилди. Вагон бошлиғи Ҳасан Рўзиевнинг таъкидлашича, дастлабки тезлик соатига 40 километр қилиб белгиланган. Синов ишлари давомида тупроқ тиғизлиги ўрганилган. Ана шу тарзда тезликни соатига 60 километргача етказишга рухсат берилган. Дастлабки Нукусдан чиққан товар вагонлардан иборат поезд биринчи бор Қизилқумни кесиб Учқудуққа етиб борди. Куни кеча, истиқлолнинг ўн бир йиллик байрами арафасида, Тошкентдан чиққан йўловчи поезд "Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус" йўналиши бўйича Қорақалпоғистоннинг марказига кириб борди.

— Бу йўл Ўзбекистонимизни жаҳонга олиб чиқади, — дейди халқ шоири Абдулла Орипов. — Мен истардимки, Қизилқум чўлини иккига бўлиб ўтган бу йўлдан фақатгина келин-куёвлар, тўй тараддудида юрган совчилар, қуда-андалар юрсинлар. Маърифат, маънавият, маданият тарқатишда бу йўллар хизмат қилсин. Энг муҳими, бу тенгсиз йўлнинг ишга тушиши мустақиллигимизнинг 11 йиллик байрамига муносиб совға бўлди. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, Оролбўйи минтақаси аҳолиси яшаш шароитининг янада яхшиланиши, гуллаб-яшнаши учун замин яратилди.

— Темирйўл тизимида қарийб 40 йил ишлаб нафақага чиқдим, — дейди меҳнат фахрийси Турсун Дадахўжаев. — Мана, кўриб турганингиздек поездимиз пўлат рельсларда бир маромда текис одимлаяпти. Тезлиги соатига 80 километрни ташкил этаяпти. Истиқлолимиз шарофати, Юртбошимизнинг ташаббуси туфайли халқимизнинг узоғи яқин, оғир-енгил бўлаяпти. Шундай хурсандчилик кунларга етиб келганимдан бахтиёрман.

Поезд Нукус шаҳри сари тобора яқинлашиб борарди. 4-вагонда хизмат кўрсатаётган йўл кузатувчиси Салима Жовмутбоева чой олиб кирди. Уни суҳбатга тортдик.

— Қўнғирот шаҳрида туғилганман, — деди у. — Темирйўлнинг ишга тушиши муносабати билан 20 нафар қизларимиз ишли бўлди. Биз Тошкент Темирйўл мактабида ўқиб, поездда йўл кузатувчиси (проводник) вазифасида ишлаяпмиз. Халқимизга астойдил хизмат кўрсатаётганимиздан хурсандмиз. Мен билан бирга Айнур Тотиева, Александра Лян каби дугоналарим ҳам йўловчи поезднинг биринчи йўловчиларига хизмат кўрсатишаяпти.

Шу пайт даврамизга поезднинг бошлиғи Усмон Раҳимов келиб қўшилди.

— 12 та вагонли эшелонимизда ҳамма қулайлик яратилган. Юздан зиёд хизмат ходимларимиз кечаю-кундуз меҳнат қилишаяпти. Бу янги йўлнинг ишга тушиши Туркманистон орқали юришини анча қисқартирди. Текшир-текшир ташвишларидан қутулдик.

Гапга берилиб кетганлигимиздан атрофга қарашни унутиб қўйибмиз. Поездимиз Тўрткўл туманига яқинлашиб қолибди. Ойнадан ташқарига қарасак, чўл чавондозлари Ўзбекистонимиз байроғини баланд кўтарганича поезд атрофида от суришарди. Ҳовлилари олдига чиқиб дуога қўл очаётган онахонларга, хурсандчиликларини яширолмасдан чопқиллаб юрган болакайларга, ўтови ёнида чўпон таёғини кўтариб табриклаётган инсонларни кўриб, беихтиёр юрагимиз ғурурга тўлиб кетади. Кўзимиздан беихтиёр ёш чиқади. Қаранг-а, ҳамма хурсанд. Ҳатто бепоён чўлнинг саксовул-буталари, ёвшан ва юлғунлари ҳам силкиниб, бизни табриклаётганга ўхшайди.

Қудратли тепловозлар темир карвонни шимолга қараб тортиб бормоқда.

— Ўзбекистонимиз шунчалик катта экан-а, — дея ғайратини яшираолмади ҳамкасбим Собир Зуфаров, — Бу ердаги бойликларимизни ташиб олиш, қайта ишлаш, инсонларимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Дарвоқе, йўлга чиққан киши Ватанимизнинг нақадар кенг эканлигига, унинг одамлари ҳар қандай мураккаб ишларга қодирлигига имон келтиради. Ҳақиқий мўъжиза яратилганлигининг гувоҳи бўласиз. Орасира поезд деразасидан липиллаб ўтаётган овулларда чўпон-чўлиқларга, йўл ёқасида эса қўлига темирйўлчи болғасини кўтариб олган йўлсозларга кўзингиз тушади. Чўлга келиб унинг бағридан ўтган биринчи темирйўлни кўз қорачиғидай авайлайдиган, унинг бенуқсон ишлашига, поездларни бехавотир ўтишига имкон яратадиган қўриқнинг биринчи вакиллари улар.

Албатта, карвон ўтса, карвонсаройлар бунёд этилади. Қизилқум бағрида ҳам қанчадан-қанча вокзал ва ўнлаб замонавий бекатлар барпо этилди. Яқин келажакда эса янги саноат марказлари, шаҳарчалар пайдо бўлади. Ҳозир сиз "Тўрткўл", "Элликқалъа", "Қораўзак" вокзалларини кўрсангиз, ҳавас қиласиз. "Учқудуқ-2" бекати ҳам ўзининг шинамлиги билан кўзни қувонтиради. Бу ерда темир йўлчилар учун йигирма коттеждан иборат посёлка барпо этилган. Шунингдек, Қорақалпоғистоннинг Беруний туманидаги Султонвайс бекати ҳар кишининг ҳавасини келтирадиган даражада. Ҳозир янги темир йўл бўйлаб қаерга боқманг, ҳаёт қайнайди. Ҳар куни янги-янги иншоотларга пойдевор қўйилмоқда, одамлар янги-янги ишларга қўл урмоқда.

Темир йўл кириб борган жойлар обод бўлади, чунки йўл орқали катта тараққиёт нафаси келиб туради.

Халқимиз катта умидлар билан бунёд этган бу темир йўл Ватанимизнинг геополитик ва иқтисодий имкониятларининг чексиз эканидан далолат бериб қолмай унинг тараққиётига хизмат этади, албатта.

**Ёркул УМАРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**
**"Тошкент-Навоий-Учқудуқ-Нукус-Тошкент"**















**Mulohaza va mushohada**

# ОЗОДЛИК ШАРТИ

Истиқлол ҳақида узоқ вақт гапириш мумкин. Чунки у дунёдаги энг улуғ неъматлардан бири ҳисобланади. Шу ўринда ҳамма ҳам истиқлолнинг қадрига етаяптими, деган савол туғилади. Афсуски, бу саволга баралла «ҳа» деб жавоб беришнинг иложи йўқ. Гап шундаки, истиқлол берган имкониятлардан унумли фойдаланиш ўрнига турли жиноят ва қонунбузарликларни содир этган кимсаларни бемалол истиқлолнинг қадрига етмаган ношукрлар десак, хато эмас.

Мисол учун айтадиган бўлсак, Ургут туманининг Чеп қишлоғида яшаган Зариф Қулиевни ана шундай кимсалар тоифасига киритиш мумкин. Қирқ саккиз ёшли, олти нафар фарзанднинг отаси бўлган бу одам 50 квадрат метр майдонга қонунга хилоф равишда кўкнор — гиёҳвандлик ўсимлигини етиштирган. Ундан 949 грамм миқдорида "опий" гиёҳвандлик моддасини ажратиб олган.

Шу йилнинг 19 апрел куни Зариф Қулиев ана шу гиёҳвандлик воситасини 4 минг 100 АҚШ долларига пуллаётган пайтда қўлга тушди. Натижада у суд ҳукми билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Каттақўрғон туманидаги Пайшанба шаҳарчасида яшовчи Илҳом Ёдгоров эндигина 21 ёшга кирди. У ана шу ёшида "судланган" деган номга эга бўлди. Аслида Илҳом якка тартибдаги савдо фаолияти билан шуғулланган. У бунинг учун давлат рўйхатидан ўтиб, қайд гувоҳномаси олган. Туман прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан Илҳом Ёдгоровнинг хусусий дўконида текшириш ўтказилганда, бу ерда ҳеч қандай ҳужжатсиз 121 минг 600 сўмлик спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда сотилаётгани аниқланган.

— Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш Самарқанд вилоят кенгаши режасига асосан, — дейди биз билан суҳбатда Тойлоқ туман прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи Сувон Одилов, — тумандаги "Ёруғлик" масъулияти чекланган уюшмада солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан текшириш ўтказилди. Текшириш чоғида жамиятда қўшимча солиқлар ва тўловлар молиявий жарима ҳамда устамалар билан 6 миллион 475 минг 400 сўмни ташкил этгани маълум бўлди. "Орзу" хўжалик ҳисобидаги дўконда назорат тартибида текшириш ўтказилганда шу нарса аниқландики, унга кўча дўконда 120 минг 940 сўмлик савдо пули банкка топширилмасдан, иш ҳақи ва девидентлар тўлаш учун ишлатиб юборилган экан. Шунингдек, дўкон сотувчилари сотишдан ажратма тўлов бўйича 11 минг сўмни ҳисоботларда кам кўрсатишган. Дўкон мудири И.Ҳасанов ва бош ҳисобчи Ш.Тўхтаевларга касса операцияларини юритиш тартиби ҳамда тўлов интизомини бузганликлари учун молиявий жарималар қўлланилди.

Бу каби мисолларни эшитиб, беихтиёр ўйланиб қоласан: биз қачон истиқлол қадрига етамиз? Нега десангиз, истиқлолни қадрлайдиган одам ҳеч қачон эгриликка қўл урмайди. Аксинча, бутун кучи, ақли ва борлиғини истиқлолни мустаҳкамлашга, эл-юрт фаровонлигига бахшида этади. Бундай инсон ҳар лаҳзада озодликнинг буюк неъмат эканини ҳис қилиб, шунга монанд яшайди ва ишлайди.

**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

**2002-yil — Qariyalarni qadrlash yili**

# САВОБ ИШЛАР ҚЎЛЛАЙДИ

Асли Ғиждувон атрофидаги Тошработ деган қишлоқда туғилганман. Отам раҳматлини ҳамқишлоқларимиз Эргаш карвон, деб чақиришарди. Тўғриси, отамнинг исмига нима учун "карвон" сўзини қўшиб айтишганини ҳозиргача билмайман. Чунки отам карвонсаройда ҳам ишламаган, карвонбошилик ҳам қилмаган. Эл қатори оддий деҳқон эдилар. Билмадим, кеча-ю кундуз тинимсиз меҳнат қилганлари боисми, ҳар ҳолда ўзимизга тўқ эдик. Озми-кўпми еримиз, уч-тўрт бош қорамолимиз бор эди. Бировдан кам, бировдан зиёд тинчгина қора қозонимизни қайнатиб юрган эдик. Шуни ҳам кўп кўришди. 1927 йилда уйимизга тўрт нафар чарм камзул кийган кишилар кириб келишди. Ҳе йўқ, бе йўқ, отамнинг қўлини боғлаб, отнинг олдига солиб ҳайдаб кетишди. "Нимага, қаерга олиб кетаяпсизлар?", деб сўрайдиган одамнинг ўзи йўқ. Отам бечора орқасига қарай-қарай кетди. Биз — болалар унинг ортидан мўлтираб қараб қолавердик. Онам бечоранинг ҳам кучи кўз ёшига етди, холос. Шу бўйича отамни қайтиб кўрмадик. Кейинчалик эшитсак, отамни ўртаҳол деҳқонлиги учун Сибирга сургун қилишган экан. Ҳозиргача қабри қаердалигини ҳам билмаймиз.

Бу кунлар ҳам ҳолва экан. Отамни олиб кетишгандан кейин, бизни ҳам чўлга ҳайдашди. Ғиждувоннинг атрофида Қўччи чўллари бор. Қишлоқ-қишлоқ одамларни қулоқ, деб чўлга ҳайдаб боришди. Ётадиган, турадиган жой йўқ. Атрофимизда қизил аскарлар. Ертула қазиб, ичида рўзғор қурдик. Шу чўлнинг ўзида очдан, касалликдан ўлганларни сони-саноғи йўқ. Ҳар куни бир рўзғордан ўлик чиқар, ҳар куни жаноза бўларди.

Одамзотдай чидамли мавжудотнинг ўзи бўлмас экан. Шу кунларга ҳам кўникдик. Буни қарангки, бизга ўз юртимизнинг чўлини ҳам кўп кўришди. Бир куни қизил аскарлар тирик қолганларнинг ҳаммасини олдиларига солиб ҳайдадилар. Вокзалда барчамизни уриб-сўкиб, қизил вагонларга ортишди. Яна "бизни қаерга олиб кетаяпсизлар?", деб сўрайдиган одам топилмади. Чунки тили-жағи бор, ўзини ҳаққини таниган барча одамлар аллақачонлар Сибирга сургун қилиниб, отилиб, осилиб бўлган эди. Бизнинг вагонларимизда асосан қари-қартанг, хотин-халаж ва бола-чақалар бор эди. Биров бизни ҳам "Сибирга олиб кетишаяпти", деса, яна бировлар "Ҳаммамизни узоқ жойларга олиб бориб отиб ташлашаркан", дейишади. Тақдирдан қочиб бўлмас экан. Пешонада борини кўрамиз, деб бир ой қизил вагонда юрдик. Ҳали чўлда очликдан, касалликдан ўлганлар ҳолва экан. Бу қизил вагоннинг азобидан қанча-қанча қариялар, ёш гўдаклар дунёдан кўз юмишмади. Уларни ҳам ҳар поезд тўхтаганда, тўплаб кўмиб чиқишарди. Роппа-роса бир ой деганда, бизларни Сурхондарёнинг Ҳозарбоғ чўлларига олиб бориб ташлашди. Яна на уйимиз бор, на бошпанамиз...

Яна ертўла қаздик. Кўплашиб бараклар қурдик. Бир баракда ўн-беш, йигирма оила яшардик. Бараклар орасига тортилган чорсилар оилаларни бирбиридан ажратиб турарди. Бу ерда ҳам очликдан, касалликдан, қанча-қанча одамлар ўлиб кетишди. Ҳали-ҳали у кунлар ёдимга тушса, юрагим орқага тортиб кетади.

Ўлмаган қул кўраверар экан-да. Бошга тушган барча кўргиликларга чидадик. Турли азоблар-у касалликлардан ўлмай қолганлар шу ерда бошпана тутдик. Кимдир ўзига алоҳида ертула қазиб олди, кимдир секин-аста уй қурди. Хуллас, шу ерда яшаб қолдик. Бугун ҳам Сурхондарё вилояти, Денов туманининг "Ҳозарбоғ" ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган Чорқишлоқ қишлоғининг кўпчилик аҳолиси ўша оғир йилларда Бухоро вилояти Ғиждувон туманининг Тошработ қишлоғидан кўчирилганлардан иборат.

Яратганга шукур. Ёшим тўқсонга борди. Раҳматли чолим билан ўн бир нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тарадик. Олти нафари олий маълумотли, қолганлари ҳам элнинг хизматида. Баъзан невара-чевараларимни чақираман деб, исмларини адаштириб юбораман. Чунки бугунги кунда етмиш нафардан зиёд невара, олтмиш нафардан кўпроқ чеваранинг момосиман.

1941 йилга келиб юртга уруш бошланди, деган гап оралади. Ҳар ҳолда кўчирилганимизга ўн йилдан ошиб, кўчганимизда саккиз-ўн ёшга кирган ўғил болалар бўй етиб қолишганди. Энди ана шу шўрликларнинг ҳаммасини йиғиб, урушга ҳайдашди. Менинг ҳам икки акам эл қатори урушга кетди. Биз икки қиз онам билан қолдик. Бир акамку урушдан қайтди. Лекин иккинчи акам, Қосим Эргашев қайтмади урушдан. Онам раҳматлик сўнгги кунларигача Қосим акамнинг йўлларига кўз тикиб дунёдан ўтиб кетдилар. Бечора ҳеч бўлмаса, "Қосимжонимни қабрини бир зиёрат қилсам эдим", деган орзуда кўзлари очиқ кетди. Бу ҳам тақдирда бор экан. Кўндик. Кўнмасак иложимиз ҳам йўқ эди...

Уч йил олдин кенжа ўғлим Тошкентга бориб келди. Эшикда кира-кира "Эна, Қосим тоғамни қабрини топиб келдим", деди. Менинг қувонганимни кўрсангиз, худди акам қайтадан тирилиб келгандай бўлиб қолди. "Қаерда экан", деб сўрасам, "Эна, ўзим олиб бораман", дейди барака топгур. Орадан бир ҳафта ўтиб яна шошиб келиб қолди. "Кетдик эна, тоғамнинг қабрини кўрсатаман", деди. Тошкентга, "Хотира майдони"га олиб келди. Каттакон темир дафтарга ёзилган "Қосимжон Эргашев. 1944 йил", деган ёзувни кўрсатди. Кўзларимга суртиб, тавоф қилдим. Худди акамни ўзини кўргандек бўлдим-да, ахир. Ўтганларни руҳларига Қуръон тиловат қилдим. Онам етмаган кунларга етганимга шукур қилдим.

Ўғлим яна бир куни келиб, "Эна, юринг, Тошкентга олиб бораман", деб қолди. "Қари кампир бўлсам, мени етаклаб юрасанми? Ўзинг бориб келавер", десам, боласи тушгур кўнмади. "Энди сизга бобомнинг қабрини кўрсатаман" деди. Келиб "Шаҳидлар хиёбони"нини зиёрат қилдик. Отам ва отамга ўхшаш минглаб одамлар учун қурилган экан бу зиёратгоҳ. Рамзий қабрни зиёрат қилаяпман-у, кўз ўнгимдан отамни отнинг олдига солиб ҳайдаб кетганлари ўтаверади. Юртимизга адолатли Юртбоши берганига, Юртбошимиз фақат ва фақат савобли ишларни амалга ошираётганига шукроналар қилдим. Ҳозир ҳам ҳар сафар жойнамоз устида Ислом Каримовни дуо қиламан.

Кеча яна невараларим бир гап топиб келдилар. "Момо, Тошкентда "Қатағон қурбонлари хотира" музейи очилаётган экан, бормайсизми?" дейишди. "Бораман, болам, албатта, бораман", дедим. "Энамдан қолган ёдгорликлари бор, ана шуларни музейга топшираман", дедим. Худо хоҳласа, албатта бориб, янги музейни ҳам бир зиёрат қилиб келаман.

Сўзимнинг охирида айтиб қўяй, савоб ишлар қилаётган кишининг у дунё-ю бу дунёси обод бўлади. Савоб ишлар кишини ҳамиша қўллайди.

**Ҳанифа момо АСЛАНОВА,**
**Денов тумани**

# ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАЛАРИ ЖАВОБГАРЛИГИ

**Huquqiy ma`rifat**

Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида энг кўп учрайдиган ва тузиладиган шартномалардан бири олди-сотди шартномалари ҳисобланади. Ҳозирги кунда бутун дунёда олди-сотди шартномалари асосан 1980 йил 11 апрелида қабул қилинган ва 1981 йил 1 январда кучга кирган товарлар олди-сотди тўғрисида халқаро шартномалар бўйича Вена конвенцияси билан тартибга солинади. Бу конвенция тўрт қисм ва 101 та моддадан иборат.

Олди-сотди шартномаларида шартнома шартларини бузганлик учун жавобгарлик дунё мамлакатларида биринчи навбатда товарлар олди-сотди халқаро шартномалар бўйича Вена Конвенцияси билан, мамлакатимизда эса Фуқаролик Кодекси асосида белгиланади. Вена конвенциясида шартнома шартларини бузганлик учун шартнома тарафлари учун қўлланиладиган икки чора белгиланган бўлиб, улар ташкилий-ҳуқуқий ва мулкий-ҳуқуқий чораларга бўлинади. Шартномада белгиланган қоидаларнинг бузилиши мазкур чоралардан бирини қўллаш учун асос бўлади.

Шартнома бекор қилиш деганда, бу шартномада белгиланган шартларнинг тарафлардан бири томонидан жиддий бузилиши юзага келганда қўлланилади. Бу ҳолат мамлакатимиз Фуқаролик Кодексининг 382-моддасида ҳам белгиланган. Унда агар Фуқаролик Кодекси, бошқа қонунлар, ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши қайд этилган. Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса, Фуқаролик Кодекси, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳоллар ўзгартириш ёки бекор қилиниши мумкин. Тарафлардан бирининг иккинчи тарафга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиш шартномани жиддий бузиш ҳисобланади. Бир тараф шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бош тортиб, қонун ёхуд тарафларнинг келишувига йўл қўйилса, шартнома тўлиқ бекор қилинган ёки ўзгартирилган ҳисобланади.

Шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этишни тўхтатиш ёки шартномани бекор қилиш тартиби Фуқаролик Кодексининг 384-моддасидаги шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби билан ҳам белгиланган. Унга биноан бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонун ёки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганда эса ўттиз кунлик муддатда жавоб олганидан кейин шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиш мумкин.

Мазкур ҳолатлар бўйича "форсможор", яъни енгиб бўлмас куч туфайли мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, бу ҳолат шартномада иштирок этувчи ҳар икки томонни мажбуриятни бажаришдан озод этади. Фуқаролик Кодексининг 349-моддасига биноан агар тарафлардан биронтаси ҳам жавоб бермайдиган вазият туфайли мажбуриятни бажариш мумкин бўлмай қолса, у ўз-ўзидан бекор бўлади. Лекин мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик аосларидан келиб чиқадиган бўлсак, агарда қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-тожик) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади.

Товарларнинг олди-сотди тўғрисидаги халқаро шартномалар бўйича Вена Конвенциясининг 81-моддасига кўра шартномаларнинг бекор бўлиш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилади, лекин тарафларда етказилган зарарни қоплаш ҳуқуқи сақлаб қолинади. Шунингдек, шартнома бекор бўлгунга қадар тарафлардан бири мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарган бўлса, бу тараф иккинчи тарафдан бажарилган мажбуриятларни қайтариш ёки ҳақ тараф бажарган бўлса, бунда ҳар икки тараф мажбуриятларни бир вақтда қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бу ҳолат мамлакатимиз Фуқаролик Кодексида ҳам ўз аксини топган бўлиб, унга кўра шартнома бекор қилинганда, агар қонунда ёки тарафларнинг келишувида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, тарафлар шартнома ўзгартирилгунча мажбурият бўйича ўзлари бажарган нарсаларни қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли эмас. Агар шартномани ўзгартириш ёки бекор қилишга тарафлардан бирининг шартномани жиддий бузиш асос бўлган бўлса, иккинчи тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш туфайли етказилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Мулкий ҳуқуқий (фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик) чоралар-тарафлар ўртасида тузилган шартнома бўйича мажбуриятлар тарафлардан бири томонидан бузилганда шу тараф иккинчи томонга етказилган зарарни тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади ва устама тўлайди. Устама тўғрисидаги қоидалар Конвенцияда ўз аксини топмаган, чунки у меъёрий хусусиятга эмас, балки шартномавий хусусиятга эга. Лекин бу масалалар Фуқаролик Кодексида ўз аксини топган. Жумладан, Кодекснинг 324-моддасига кўра, қарздор мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаш шарт.

Фуқаролик қонунчилиги бўйича зарар деганда, ҳуқуқ бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаши учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек, бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.

Фуқаролик Кодексининг 260-моддасига кўра қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул миқдори устама ҳисобланади.

Устаманинг миқдори "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонун асосида белгиланади.

Қайд этилган ҳолатлар мамлакатимизда амалда бўлган Фуқаролик Кодекси халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида ишлаб чиқилганидан далолатдир.

**Азиз ЭГАМБЕРДИЕВ**

